

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА ДИЛРАБО ТОЛИБЖАНОВНА**

**ЯНГИ ТОЛА ТАРКИБЛИ МАХСУС КИЙИМБОП ТЎҚИМА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва  
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Назарова Дилрабо Толибжановна**

Янги тола таркибли махсус кийимбоп тўқима ишлаб чиқариш  
технологиясини яратиш .....

3

**Назарова Дилрабо Толибжановна**

Разработка технологии выработки ткани для спецодежды с новой  
волокнистой структурой.....

19

**Nazarova Dilrabo Tolibjanovna**

Creation of a special technology of production of new fiber textile fabric.....

35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....

38

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА ДИЛРАБО ТОЛИБЖАНОВНА**

**ЯНГИ ТОЛА ТАРКИБЛИ МАХСУС КИЙИМБОП ТЎҚИМА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва  
хомашёга дастлабкиишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т1342 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хамраева Сановар Атаевна**  
техника фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Набиева Ирода Абдусаматовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Валиев Гулам Набиджанович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30/12.2019.Т.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “30” декабр соат 11<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№123 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил “17” декабр\_куни тарқатилди.  
(2021 йил “17”декабрдаги №39 рақамли реестр баённомаси).



**И. К. Сабиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, техника фанлари доктори

**А. З. Маматов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д, профессор

**Н. Р. Ханхаджаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сифатли ус кийимбоп тўқималарини ишлаб чиқаришда энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотларига кўра, 2019 йилда тўқимачилик саноатида ҳимоя кийимларининг глобал бозори 8,7 миллиард долларни ташкил этди. 2027 йилга келиб, 12 миллиард долларгача ўсиши прогноз қилинмоқда. Ҳимоя кийимлари бозорининг йиллик ўсиши 3 фоизни ташкил этмоқда. Ривожланаиб бораётган ҳимоя кийимлари саноатига СОВИД-19 пандемияси даврида талаб жуда юқори бўлди. Молиявий жиҳатдан энг интенсив сектор - бу юқори кўринишга эга кийимлар бўлиб, унинг улуши 452 миллиард эвро, 24,5% ни ташкил этди. Ғарбий Европада ҳимоя кийимларини истеъмол қилишнинг асосий саноати қурилиш соҳасидир (жами бозорнинг

30% дан ортиғи). Ғарбий Европада истеъмол бўйича катта фарқ билан етакчилик қилаётган давлат Германия (26%) ҳисобланишини<sup>1</sup> ҳисобга олсак, бу хусусиятларнинг шаклланишида янги аралашма таркибли тўқималар ишлаб чиқариш жараёнининг таъсири катталиги ишчи кийимлар тайёрлаш, жумладан уларни ишлаб чиқаришда турли табиий толалардан фойдаланишни ва уларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан тўқиманинг истеъмол хусусиятларини яхшилаш учун дунё бозорида тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини муайян даражада юксалиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришда сифатли махсус кийимбоп тўқималарни ишлаб чиқаришнинг замонавий, автоматлашган, юқори унумдорликка эга бўлган техника ва технологияларини такомиллаштириш, истеъмол бозоридаги талаб ва таклиф асосида маҳсулотнинг янги турларини яратиш ва ассортиментини ўзгартиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, махсус кийимбоп тўқиманинг хоссаларини яхшилаш, мустаҳкамлигини ошириш учун тўқима ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган янги тола таркибли ип ва тўқималарни яратиш, тўқиш жараёнида ипларнинг узилишини камайтириш, тўқимачилик маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини янада ошириш, мустаҳкамлиги юқори бўлган янги таркибли махсус кийимбоп тўқималарни тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда янги таркибли махсус кийимбоп кенг турдаги сифатли тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, маҳаллий табиий хомашёлардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек табиий аралашмали маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада

---

<sup>1</sup><https://getsiz.ru/zapadnoevropejskij-rynok-promyshlennoj-specodezhdy-2021-2027-factory-rosta-trendy-mneniya-ehkspertov.html>

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, табиий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга оширишда, жумладан, махсус кийимбоп тўқималарни янги табиий толани пахта толасига аралаштириш йўли билан ип ва тўқималарнинг мустаҳкамлигини ошириш, янги табиий аралашмали хомашёлар асосида янги аралаш таркибли махсус кийимбоп тўқима олиш, махсус кийимбоп тўқиманинг оптимал улуш таркибли оҳорловчи модданинг оптимал таркиби ҳамда оҳорлашнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш асосида тўқима тўқималар сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Энергетика, энергия ва ресурстежам- корлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз тўқимачилик саноати олдида турган вазифалардан бири, маҳаллий хомашёлардан фойдаланилиб, аралаш таркибли сифатли маҳсулот, айнан ишқаланишга чидамли тўқималар ишлаб чиқаришдан иборат. Адабиёт манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина ишлар тўқималарнинг тузилиши, хоссалари, уларни ишлаб чиқариш технологияларини ўрганишга йўналтирилган. Ҳозирги вақтда аралаш тола таркибли тўқималарни яратиш ва уларнинг сифатини яхшилаш масалалари бўйича А.А.Мартынова, С.Д.Николаев, Э.А.Оников Э.Ш.Алимбоев, С.А.Хамраева, А.Д.Даминов, П.С.Сиддиқов, Ғ.Валиев, О.А.Ахунбабаев, С.С.Рахимходжаев, Б.Баймуратовлар ва бошқа бир қатор илмий мактаблар шуғулланган.

Махсус кийимбоп тўқималар ассортименти масалаларининг ечимига улкан ҳисса қўшган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар Е.Б.Коблякова, В.Е.Романов, З.С.Чубарова, П.П.Кокеткин, Е.Я.Сурженко, Р.Ф.Афанасьева, Б.Р.Рыскулова, А.А.Асланян, О.К.Терпенова ва бошқалар томонидан бажарилган. Ҳорижий олимлар қаторида Оптнер С., Джонс Дж., Морикава Х. ва бошқаларнинг ишларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”

Адабиёт манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина илмий ишлар тўқималарнинг сифатини оширишга, турли аралашма таркибли тўқималарни яхшилашга йўналтирилган. Бироқ, Республикамизда мавжуд табиий маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланилган ҳолда махсус кийимбоп тўқималарни тўқиш жараёнида пахта толаси миқдорини камайтириш йўллари излаш, тўқимачилик саноати олдида турган ўта муҳим асосий масалалардан бири бўлиб, юқори самара берувчи, янги, арзон ва самарали табиий толани пахта толасига аралаштириб янги таркибли тўқима олиш муҳим аҳамиятга эга. Айтиш пайтда, тўқув тўқималарини ишлаб чиқариш сезиларли ривожланишига қарамай, ҳал этилиши талаб қилинадиган кўпгина муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим. Хусусан, Республикамиз тўқимачилик корхоналарида махсус кийимбоп тўқималарни ишлаб чиқаришда унинг мустақамлигини ошириш учун янги аралаш табиий таркибли толалар сифатида арзон, экологик хавфсиз, маҳаллий толалардан фойдаланиш ва янги аралашма таркибли толалар орқали тўқималарнинг сифати ва мустақамлигини ошириш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Шу сабабли, тўқималарини янги ассортиментларини олиш технологиясини ишлаб чиқишга оид илмий тадқиқотларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИТД-7-2020 «Гидравлик тўқув дастгоҳининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги тузилишли тўқима ишлаб чиқаришнинг асосий технологик омилларини ишлаб чиқиш» (2020-2021) мавзусида инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги тола таркибли махсус кийимбоп тўқимани ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологиясини яратиш, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

махсус кийимбоп тўқима ишлаб чиқаришга мўлжалланган ип учун пахта ва рогоз тола аралашмасининг оптимал таркибини танлаш;

янги таркибдаги пахта ва рогоз толали аралашма иплардан олинган махсус кийимбоп тўқималарнинг танда ва арқоқ йўналиши бўйича деформациянинг мато тузилишига таъсирини аниқлаш;

янги таркибдаги пахта ва рогоз толали аралашма иплардан махсус кийимбоп тўқима ишлаб чиқаришнинг оптимал параметрлари ва ишчи режимларини назарий ва тажрибавий асослаш;

янги таркибдаги пахта ва рогоз толали аралашма иплардан ишлаб чиқарилган махсус кийимбоп тўқималарнинг хосса кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта ва рогоз толалари, аралашма иплар, тўқув дастгоҳи, тўқималар синов асбоблари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли улушларда пахта ва рогоз толалари аралашма таркибли иплар хоссалари, толаларнинг кўрсаткичлари, тўқув

параметрлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятларини ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида оптик микроскопия, тўқималар сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш, тўла факторли тажриба, тажриба натижаларини қайта ишлаш, регрессион моделлар куриш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

турли улушдаги пахта ва рогоз толали аралашмалардан ишлаб чиқарилган ипдан охорлаш жараёнини қисқартирган ҳолда, махсус кийимбоп тўқима олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк марта махсус кийимбоп тўқима ишлаб чиқариш учун аралашма таркибли ипдаги пахта ва рогоз толаларининг оптимал улуши аниқланган ва асосланган;

тўқимани бир вақтнинг ўзида танда ва арқоқ йўналиши бўйича бир текисда деформациялаш учун махсус асбоб яратилган ҳамда мато тузилишининг деформациялашдан кейинги ўзгаришини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

янги таркибли пахта ва рогоз толали аралашма ипдан тўқима ишлаб чиқариш технологик параметрлари танда ва арқоқ иплари бўйича узиш кучи, ишқаланишга чидамлик ва ҳаво ўтказувчанликнинг оптимал қийматлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида пахта ва рогоз толасидан янги табиий аралашмали тўқималарини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

физик-механик хоссалари юқори бўлган пахта ва рогоз тола аралашмали ипнинг олиш янги технологияси ишлаб чиқилган;

нефтни қайта ишлаш корхонаси ишчиларининг махсус кийимига мўлжалланган пахта ва рогоз толасидан янги табиий аралашмали тўқима намуналари ишлаб чиқарилган;

янги аралашма таркибли тўқиманинг сифат кўрсаткичлари яхшиланган ва тегишли самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация ишида шакиллантирилган илмий ҳолатлар, стандарт усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг ҳозиргача маълум бўлган кўрсаткичларга мутаносиблиги, пахта ва рогоз аралашма толали иплардан тўқима тўқиш жараёнлари математик моделлари таҳлили натижаларининг кўриб чиқиётган фан соҳасида олинган натижаларни баҳолашнинг маълум мезонларига мувофиқлиги ҳамда назарий тадқиқотлар натижаларининг тажрибавий тадқиқотлар натижаларига мос келиши билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хом ашё сарфи кам, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган пахта-рогоз толалар аралашмасидан олинган ипдан махсус кийимбоп тўқима олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги, математик моделлар, хусусан, тўқимачилик тўқималари учун танда иплари таранглиги, тўқув дастгоҳи ишчи тезлиги ва ип узилишининг ўзаро боғлиқлигини



ифодаловчи математик боғланишларнинг ип йигириш ва тўқиш жараёнлари назарий асосларини муайян даражада бойитишга, тўлдиришга ва ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра нефтни қайта ишлаш корхонаси ишчиларининг махсус кийимбоп тўқима учун нотекислиги паст ва физик-механик хоссалари яхшиланган ипларни олишга имкон берувчи пахта ва рогоз толалари аралаштирилган оптимал фоиздаги янги таркибли ипларнинг қўлланилиши, тўқиш жараёнида иплар узилишини камайтирилганлиги ва тўқималар сифати яхшиланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Махсус кийимбоп тўқималар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

янги таркибли махсус кийимбоп тўқимани ишлаб чиқаришда пахта толаси билан рогоз толасининг аралашмаси асосида янги аралашма таркибли ип олиш Бухоро Кўзи ожизлар жамияти қошидаги корхонада ишлаб чиқаришга жорий этилган (“O`zto`qimachilik sanoat” уюшмасининг 2021 йил 15 ноябрдаги 03/17-3161-сон маълумотномаси). Натижада пахта толасидан олинган ипга нисбатан 25% га мустаҳкамлик даражаси юқори бўлган, сифатли ип олинган.

янги аралаш таркибли махсус кийимбоп тўқима олиш технологияси “AL HAKIM PLYUS” МЧЖ корхонада ишлаб чиқаришга жорий этилган (“O`zto`qimachilik sanoat” уюшмасининг 2021 йил 15 ноябрдаги № 03/17-3161-сон маълумотномаси). Натижада, янги аралаш таркибли махсус кийимбоп тўқималарнинг ишқаланишга чидамлилигини 35,8% га, узиш кучини танда бўйича 25,1% га, арқоқ бўйича 30,2% га юқори, ҳаво ўтказувчанлигини 34,2% га ошишига эришилган ва маҳаллий корхоналарда ички ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 21 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 12 та халқаро, 9 та Республика илмий конференцияларида ва илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги 1 та ихтиро патенти, 3 та дастурий таъминотга гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Махсус кийимбоп тўқима ишлаб чиқиш технологиясининг ҳозирги ҳолати таҳлили»** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбаларининг таҳлили ёритилган бўлиб, унда тўқимачилик саноатининг бугунги ҳолати, тўқимачилик саноатида янги аралашма толали махсус кийимбоп тўқималарни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилиши, махсус кийимлар учун тўқиладиган тўқима тузилиши ва унда ишлатиладиган хомашёси маҳсулотларини ишлаб чиқаришда турли хил хом ашёлардан самарали фойдаланиш билан тўқималарини тузилиши ва олиш усуллари каби масалаларга эътибор қаратилган. Олиб борилган адабиётлар таҳлили натижалари асосида тўқув дастгоҳларининг технологик имкониятларидан фойдаланиб, пахта ва рогоз аралашмали тўқималарини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, уни илмий асослаш масалалари диссертация ишининг вазифаси этиб белгиланган.

Диссертациянинг **«Янги махсус кийимбоп тўқима ишлаб чиқариш технологияси ва тўқиманинг назарий таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида махсус кийимбоп тўқималар ишлаб чиқариш технологияси ва тўқима тузулиши ўрганилган. Хорижий мамлакатлардан махсус кийимлар тайёрлаш учун кимёвий толаларни олиб келиш сарф-харажатларни ошириши ва улардан тайёрланган кимёвий аралашмали тўқималар инсон саломатлигига зарар етказиши таъкидланиб, мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун республика шароитида ўсадиган рогоз толасидан фойдаланиш таклиф этилган. 2019-2020 йилларда ушбу йўналишда бир қатор тадқиқотлар ўтказилиб, Ўзбекистон шароитида ўсадиган рогоз ўсимлигидан янги тола олиниб, тайёр янги таркибли тўқима ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган.

Яроқсиз ер майдонида ер ости сувларидан фойдаланиб, рогозни кўпайтириш мақсадида рогоз ўсадиган сувнинг таркиби ўрганиб чиқилди ва ундаги туз миқдори аниқланди, рогоз ўсадиган сув таркибидаги туз миқдори ер ости суви билан яқин таркибли эканлиги аниқланган. Шунга асосланиб, ер ости сувларидан фойдаланиб, рогоз ўсимлиги экинзорларини кўпайтириш мумкинлиги асосланган. Рогоз толасининг хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқот натижаларига кўра, рогоз толасининг кўрсаткичлари пахта толасига яқинлиги аниқланган ва уни пахта толаси билан аралаштириб, ундан янги аралашма таркибли ип ва махсус кийимбоп тўқима олиш технологияси яратилган ҳамда олинган тўқима намуналари хоссалари ўрганилган. Махсус кийимбоп тўқимани танда ва арқоқ йўналишлари бўйича чўзишда тузилиши ўзгаришининг назарий таҳлили ўтказилган.

Тўқилган тўқималар ўзига хос физик-механик хоссаларга эга бўлиб, толали материаллар ва ипнинг таркибий тузилиши билан баҳоланиши таъкидланган. Ишлаб чиқарилган тўқимачилик иплари ва тўқималар аниқ сифат кўрсаткичларига эга бўлиши билан бирга, махсус кийимларнинг айрим қисмлари чўзилишини инобатга олиб, бу турдаги тўқималарнинг бир неча йўналишларда деформацияга учрашишини аниқлаш талаб этилади. Тўқиманинг чўзилиши нафақат тўқиманинг ташқи кўринишига, балки унинг ишқаланишга чидамлилигига ҳам таъсир кўрсатиши таъкидланади. Танда ва арқоқ йўналишларида тўқимани бир текисда чўзиш мақсадида унинг тузилиши ўзгаришини векторли алгебранинг асосий ҳолатларидан фойдаланиб ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган (1-2) ва усулга керакли ускуна яратилиб, тажрибалар ўтказилган.

$$X_i = X_o + \frac{\sin \alpha_2 (X_o Z_{xi} \sin \alpha_1 - Y_o Z_{yi} \cos \alpha_1)}{\sin \beta} \quad (1)$$

$$Y_i = Y_o + \frac{\sin \alpha_1 (Y_o Z_{yi} \sin \alpha_2 - X_o Z_{xi} \cos \alpha_2)}{\sin \beta} \quad (2)$$

Бунда  $X_i$ ,  $Y_i$  – танда ва арқоқ узайиши, мм;  $\alpha$ - танда ипларига нисбатан қирқилган намуналарнинг бурчаги;  $\beta$  -танда ва арқоқ орасидаги бурчак;  $Z_x$  ва  $Z_y$  -тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича нисбий чўзилишлари.

Назарий ҳисоблаш натижалари бўйича, ишчи кийимнинг энгидаги тирсак қисми  $75^\circ$  бурчак остида букилиши инобатга олиниб, кийимнинг энг қисмида деформацияланиш бир текисдаги майдонга эга бўлиши учун тегишли тажрибалар ўтказилган.

### 1-жадвал

#### Танда ва арқоқ йўналиши бўйича чўзишда махсус кийимбоп тўқима тузилишининг ўзгариши


Намуна-лар	t-чўзиш вақти	$X_{\text{эксп-}}$ тажриба арқоқ бўйича узайиш, мм	$X_{\text{ҳисоб-}}$ арқоқ бўйича ҳисобий узайиш, мм	Фарқ,%	$Y_{\text{эксп-}}$ тажриба а танда бўйича узайиш, мм	$Y_{\text{ҳисоб-}}$ танда бўйича ҳисобий узайиш, мм	Фарқ,%
100% пахта	0	200,05	200,05	0	200,0	200,00	0
	5	202,94	202,37	0,28	202,64	200,84	0,89
	10	204,45	203,79	0,33	204,35	202,79	0,76
	15	208,99	207,33	0,79	206,97	204,47	1,02
40% рогоз, 60% пахта	0	200,0	200,0	0	200,0	200,00	0
	5	202,22	202,10	0,06	201,53	200,27	0,62
	10	203,36	202,80	0,27	202,27	201,21	0,52
	15	206,82	205,25	0,76	203,56	201,17	1,17

Тўқима намунасининг деформацияланиш ҳолатини векторли таҳлил қилиниб, тенгламалар тузилиб, тажрибавий ва ҳисобий чўзилиш қийматлари


орасидаги фарқ 1,17% дан ошмаганлиги аниқланиб, қўлланилган усул ижобий баҳолашга асос бўлган.

Диссертациянинг «Экспериментал тадқиқотни режалаштириш ва ўтказиш» деб номланган учинчи бобида давлат тармоқ стандартлари асосида тажриба натижалари келтирилган. Экспериментлар икки босқичда ўтказилган бўлиб, биринчи босқич-бошланғич экспериментни, яъни турли фоизларда пахта ва рогоз ўсимлиги толалари турлича аралашмаси 100% пахта, 70% пахта толаси 30% рогоз ва 60% пахта толаси 40% рогоз толаси аралашмасидан  $T_t = 18,5 \times 2$  текс,  $T_a = 27$  тексли иплар Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли Бухоро кийириув тўқув корхонасида ишлаб чиқарилган ва ипнинг механик кўрсаткичлари USTER TESTER-5M асбобида синовдан ўтказилган. 27 тексли ип SE11-288 пневмомеханик йиғириш машинасида ва 18,5x2 тексли ипни эса ПК-100 йиғириш пишитиш машинасида ишлаб чиқарилган ва улардан махсус кийимбоп тўқима саржа 3/1 DONG JIA пневматик тўқув дастгоҳида ишлаб чиқарилган.


Олинган тўқима хоссалари ўрганилиб, 100% пахта толага нисбатан 60% пахта 40% рогоз аралашмали толаларнинг солиштирма узиш кучи 18,2% га, толанинг узишдаги узайиши 6,25% га, толанинг сариқлиги 32,8% га юқори, ифлослиги эса 5,6% га камайганлиги аниқланган. Ипнинг солиштирма узиш кучини ҳисоблаш учун А.Н.Соловьев усулида регрессия тенгламаси олинди. Махсус кийимбоп тўқималарга қўйилган талаблар таҳлил қилиниб, нефть ва газ ишчилари учун мўлжалланган дастлабки тўқима намунаси ишлаб чиқарилган ҳамда унинг хоссалари ўрганилган.



**1-расм. Турли тола улушли тўқималарнинг ишқаланишга чидамлилиги ва ҳаво ўтказувчанлиги**



**2-расм. Турли тола улушли тўқиманинг ювгандан сўнг киришиши**



**3-расм. Турли тола улушли тўқималарнинг узиш кучи**

Пахта толаси 60% ва 40% рогоз аралашма толали тўқиманинг ҳаво ўтказувчанлиги пахта толали тўқимага нисбатан 34,2% га, ишқаланишга чидамлилиги 35,8% га, тўқиманинг узиш кучи танда бўйича 25,1% га, арқоқ бўйича 30,2% га юқори, ювгандан сўнг арқоқ бўйича киришиши 27,3% га, танда бўйича киришиши 18,2% га камайганлиги аниқланган.

Махсус кийимбоп намуна тўқималарнинг мой шимилиши Ўзбекистон - Туркия “СТАМПА” сифат назорати лабораториясида ўтказилган. Нефть ва газни етказиш ишлари бўйича ишчилар кийими учун мўлжалланган тўқиманинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган мой шимилиши ва ранг йўқотиши Ўзбекистон - Туркия “СТАМПА” сифат назорати лабораториясида ўтказилган. Намуна тўқималарда нефть маҳсулотларидан дизель ёғидан фойдаланиб, тўқиманинг суюқликни ўзига шимиш даражаси аниқланди.

## 2-жадвал

### Намуна тўқималарнинг ёғ шимиши (абсорбцион) даражаси ва рангни йўқотиши

Намуна тўқималар	Кўрсаткичлар			
	Ишлатилган суюқлик тури ва миқдори	Шимиш (ассимиляция қобилияти) вақти (сек)	Суюқликнинг (мослашувчанлиги) оқувчанлик даражаси	Рангни йўқотиши даражаси
100% пахта	Дизел ёғи, 80 мл	25	юқори	юқори
30% рогоз, 70% пахта	Дизел ёғи, 80 мл	80	ўрта	ўрта
40% рогоз 60% пахта	Дизел ёғи, 80 мл	130	паст	паст


Тўқимадан ўтадиган суюқликни воронка идишга солинган суюқликнинг маълум вақт давомида ўтиши ёки томиши натижасида идишнинг бўшаган баландлиги ҳисобланади. Тўқимадан суюқликнинг ўтиб томиши натижасида варонкадаги суюқликдан бўш юзанинг баландлиги  $h(1)$ , суюқликнинг ўтиш вақти- $t$  – варонкадаги суюқлик билан тўлдирилган юзанинг баландлиги  $h(2)$ . Бунда координата юзаси – $S$  қуйидагича топилади:  $S = h(1)/h(2)$ .

## 3-жадвал

### Турли таркибли тўқималардан суюқликнинг оқиш натижалари

Намуна тўқималар	Бўш юзанинг баландлиги- $h(1)$ , см			Суюқликнинг ўтиш вақти- $t$ , сек			$S = h(1)/h(2)$ ,		
	100% пахта	70% пахта 30% рогоз	60% пахта 40% рогоз	100% пахта	70% пахта 30% рогоз	60% пахта 40% рогоз	100% пахта	70% пахта 30% рогоз	60% пахта 40% рогоз
10 та намунадан ўртача натижа	30	30	30	0	0	0	0	0	0
	33,4	30	30	30	30	30	2,01	0	0
	35,5	30	30	60	60	60	2,44	0	0
	38,3	32,7	30	90	90	90	3,27	1,85	0
	40,0	33,5	30	120	120	120	4,0	2,03	0
	40,5	34,4	32,8	150	150	150	4,26	2,21	1,91

	42,3	35,2	33,3	180	180	180	5,49	2,38	1,99
	43,7	36,0	34,4	210	210	210	6,93	2,57	2,21
	44,4	37,7	35,6	240	240	240	7,92	3,06	2,47



#### 4-расм. Суюқликнинг вақт давомида оқиб ўтиши ва координата юзасининг ўзгариши

Изланишлар ва олиб борилган лаборатория синовлари натижасида аниқланган маълумотлар шундан иборатки, 100% пахтадан ишлаб чиқарилган тўқиманинг шимиш (ассимиляция қобиляти) даражаси 25сек ва суюқликнинг оқувчанлик даражаси юқорилиги аниқланди. 70% пахта 30% рогоз янги яратилган тўқимада шимиш даражаси 80 сек атрофида, ундан суюқликни оқиб тушиши ўрта, ранг йўқотиши ўрта, 60% пахта 40% рогоз толали тўқимада шимиш даражаси 130 сек атрофида, ундан суюқликни оқиб тушиши паст, ранг йўқотиши ўта паст натижалар олинди. 60% пахта 40% рогоз толали тўқимадан тикилган ишчи кийимга нефть маҳсулоти оқиб тушганда уни ечиш учун максимум 2 минут вақт белгиланган. Шу вақт давомида суюқлик тўқимадан шимдирилиб, танагача етказилса, бу тўқима танланган ишчи кийимига мос эмаслигини англатади. 3-жадвалда келтирилган натижалар шундан далолат берадики, яратилган янги аралаш таркибли тўқима нефть ва газни етказиш ишлари бўйича ишчилар кийими тўқимасига қўйилган талабларга жавоб беради.



5-расм. 100% пахта толали тўқимадан дизел ёғини шимиши ва оқиб тушиши.



6-расм. 70% пахта, 30% рогоз, толали тўқимадан дизел ёғини шимиши ва оқиб тушиши.



7-расм. 60% пахта, 40% рогоз толали тўқимадан дизел ёғини шимиши ва оқиб тушиши.

Тўлиқ факторли эксперимент ўтказиш учун Коно-2 эксперимент режаси (4-жадвал) бўйича кириш параметрлари сифатида  $X_1$ –арқоқ ипи бўйича тўқиманинг зичлиги, ип/10см,  $X_2$ –танда бўйича таранглик, сН, чиқиш параметри сифатида  $Y_1$ –тўқиманинг танда бўйича узиш кучи, Н,  $Y_2$  арқоқ бўйича узиш кучи Н,  $Y_3$ –тўқиманинг ишқаланишга чидамлилиги, цикл,  $Y_4$ –тўқиманинг ҳавоўтказувчанлиги,  $\text{дм}^3/\text{м}^2 \cdot \text{сек}$ ,  $Y_5$ –тўқиманинг ювгандан сўнг танда бўйича киришиши,%,  $Y_6$ –тўқиманинг ювгандан сўнг арқоқ бўйича киришиши, % танланди.

#### .4-жадвал

##### Кириш параметрларининг ўзгариш сатҳи ва интервали

Факторлар (кириш омиллари)	Ўзгариш сатҳи			Ўзгариш интервали
	-1	0	+1	
$X_1$ - арқоқ ипи бўйича тўқиманинг зичлиги, $P_a$ , ип/10см	220	222	224	2
$X_2$ - танда бўйича таранглик, $F_b$ , сН	22	25	28	3

Экспериментал тадқиқот Коно-2 эксперимент матрица режаси 5-жадвал бўйича DONG JA пневматик тўқув дастгоҳида ўтказилган. Эксперимент ўтказишнинг мақсади, танланган янги таркибли, яъни пахта ва рогоз толалари аралашмали иплардан махсус кийимга мўлжалланган тўқимани тўқиш жараёнида танланган мезонлар кўрсаткичлари юқори бўлган оптимал тузилишни танлашдан иборат. Эксперимент 5-жадвал бўйича белгиланган тартиб асосида амалга оширилди. Экспериментал тадқиқот натижалари 5-жадвалда келтирилган.

#### 5-жадвал

##### 60% пахта 40% рогоз аралашмали тўқима учун экспериментал тадқиқот натижалари

Таж-риба ра-қам лари	Кириш параметрларнинг кодли қиймати		Чиқиш параметрларининг натижалари					
			$Y_1$ Танда	$Y_2$ Арқоқ	$Y_3$	$Y_4$	$Y_5$ Танда	$Y_6$ Арқоқ
	$X_1$	$X_2$	Н	Н	цикл	$\text{дм}^3/\text{м}^2 \cdot \text{сек}$	%	%
1	1	1	657	429	14405	47,5	2,7	1,6
2	-1	1	578	401	12789	48,3	3,2	2,0
3	1	-1	577	372	12433	47,9	3,0	2,2
4	-1	-1	595	389	12675	49,1	3,3	2,4
5	1	0	634	399	13104	48	2,9	1,7
6	-1	0	586	400	11715	48,4	3,0	1,8
7	0	1	579	398	13871	47	2,8	1,7
8	0	-1	584	373	13306	47,2	2,8	2,0
9	0	0	609	410	12405	48,3	2,8	1,8

Кўп омилли эксперимент натижаларига биноан  $X_1$  –арқоқ ипи бўйича тўқиманинг зичлиги 224 ип/10см ва  $X_2$ –танда бўйича таранглиги 28сН бўлганда оптимал деб топилди.

Диссертациянинг «Экспериментал тадқиқотни режалаштириш ва ўтказиш»га деб номланган тўртинчи бобидатадқиқот натижаларини қайта ишлашга бағишланган. Стандарт усулда кўп омилли тажриба натижалари қайта ишланиб, тўқиманинг олтига кўрсаткичи бўйича регрессион тенгламалар олинган. Уларнинг геометрик интерпретацияси, яъни параметрлар мақсадли юзаси изолиниялари қурилган ва уларнинг таҳлили асосида оптимал вариантлар белгиланган.

#### 6-жадвал

**60% пахта 40% рогоз тола аралашмали махсус кийимбоп тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича узиш кучининг регрессион моделини тузиш учун натижалар**

Тажриба	Режа матрица		Ишчи матрица							
			Арқоқ бўйича зичлик, ип/10см	Танда бўйича таранглик, сН	60% пахта 40% рогоз тола аралашмали тўқиманинг танда бўйича узиш кучи, Н			60% пахта 40% рогоз тола аралашмали тўқиманинг арқоқ бўйича узиш кучи, Н		
	$X_1$	$X_2$			$y_1$	$\bar{y}_1$	$(y_1 - \bar{y}_1)^2$	$y_2$	$\bar{y}_2$	$(y_2 - \bar{y}_2)^2$
1	1	1	224	28	657	650	49	429	430	1
2	-1	1	220	28	578	580	4	401	398	9
3	1	-1	224	22	577	580	9	372	370	4
4	-1	-1	220	22	595	600	25	389	392	9
5	1	0	224	25	634	630	16	399	402	9
6	-1	0	220	25	586	590	16	400	401	1
7	0	1	222	28	579	576	9	398	402	16
8	0	-1	222	22	584	590	36	373	375	4
9	0	0	222	25	609	610	1	410	407	9


Тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича узиш кучи бўйича регрессион модель тузилди:

$$\bar{y}_1 = 657,2 - 0,86 x_1 + 8,759 x_2 + 3,112 x_1 x_2 + 1,521 x_1^2 - 12,7 x_2^2$$


$$\bar{y}_2 = 428,7 + 1,552 x_1 + 4,206 x_2 + 11,25 x_1 x_2 - 4,25 x_1^2 - 11,3 x_2^2$$

Тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича узиш кучининг регрессион модели натижаларини тасвирловчи мақсадли сирт графиклари 8-9-расмларда кўрсатилган.





**8-расм. Тўқиманинг танда бўйича узиш кучининг мақсадли сиртини графиги**




**9-расм. Тўқиманинг арқоқ бўйича узиш кучининг мақсадли сиртини графиги**

Тўқиманинг ишқаланишга чидамлилиги ва ҳавоўтказувчанлиги бўйича регрессон модел тузилди:


$$\bar{y}_3 = 14405 - 73,76 x_1 - 7,765 x_2 + 15,112 x_1 x_2 + 25,441 x_1^2 + 39,94 x_2^2$$

$$\bar{y}_4 = 47,3 - 0,179 x_1 - 7,865 x_2 + 5,224 x_1 x_2 + 1,112 x_1^2 + 1,532 x_2^2$$

Тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича узиш кучининг регрессион модели натижаларини тасвирловчи мақсадли сирт графиги 10-11 расмларда кўрсатилган.



**10-расм. Тўқиманинг ишқаланишга чидамлилигининг мақсадли сиртини графиги**



**11-расм. Тўқиманинг ҳаво ўтказувчанлигининг мақсадли сиртини графиги**

Экспериментал натижаларни таҳлил қилиш мақсадли юзаларининг икки ўлчовли кесимини билиш учун параметрларни ўғартирганда оптималлаштириш мезонининг ўзгариши қонуниятларининг визуал тасвирини олиш имконини берди ва график усули ёрдамида келиб чиқадиган зиддиятли масалаларни ечишни осонлаштирди. Бундай ҳолларда, регрессия тенгламаларга барча омилларнинг қийматларини кўйиб таққосланди, оптимал вариант аниқланди, яъни  $X_1=1$ ,  $X_2=1$  бўлганда тўқима кўрсаткичлари энг яхши катталикларга эга бўлди. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики,  $T_t=18,5 \times 2$  тексли ва  $T_a=27$  тексли иплардан DONG JA пневматик тўқув дастгоҳларида мустаҳкамлиги юқори бўлган махсус кийимбоп тўқимани ишлаб чиқаришга эришилди. Тадқиқот

ишининг иқтисодий самарадорлиги 1000 пог.метр тўқимага нисбатан ипларнинг сарфига қараб 16 272 702 сўм иқтисодий самарадорликка эришилди (2021 йил нархларида).

## ХУЛОСА

«Янги тола таркибли махсус кийимбоп тўқима ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» мавзусида олиб борилган тадқиқот иши бўйича қуйидаги хулосаларга эришилди:

1. Ишчиларнинг ҳаракатланиши таъсирида махсус кийим учун фойдаланилган тўқиманинг чўзилиш хусусияти ва ипларнинг силжишига таъсири имкон даражада паст бўладиган 60% пахта 40% рогоз янги табиий тола таркибли тўқимадан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

2. Рогоз ўсимлиги толасини пахта толасига аралаштириш йўли орқали олинган махсус кийимбоп тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича бир вақтнинг ўзида бир текис чўзишда тўқима тузилишининг ўзгаришини аниқлаш ва тўқимани эксплуатация қилиш жараёнида деформацияланиш ҳолатини таҳлил қилиш асбоби яратилди.

3. Тўқиманинг танда ва арқоқ йўналиши бўйича узайишини аниқлаш тенгламалари тавсия қилинган, ҳисобий ва тажриба қийматлари орасидаги фарқ 1,17% дан ошмаганлиги учун тавсия этилган усул юқори аниқликда эканлиги исботланди.

4. 60% пахта ва 40% рогоз толасини аралаштириш ҳисобига олинган махсус кийимбоп тўқиманинг ҳавоўтказувчанлиги 34,2% га, ишқаланишга чидамлилиги 35,8% га, тўқиманинг танда бўйича узиш кучи 25,1% га, арқоқ бўйича 30,2% га ошишига, ювгандан сўнг арқоқ бўйича киришиши 27,3% га, танда бўйича киришиши 18,2% га камайишига эришилди.

5. Олиб борилган лаборатория синовлари натижалари бўйича 100% пахтадан ишлаб чиқарилган тўқиманинг шимиш (ассимиляция қобиляти) даражаси 25 сек ва суюқликнинг оқувчанлик даражаси юқори, ранг йўқотиши ўрта, 70% пахта 30% рогоз толалиянги яратилган тўқимада шимиш даражаси 80 сек атрофида, ундан суюқликнинг оқиб тушиши ўрта, ранг йўқотиши ўрта, 60% пахта 40% рогоз толали тўқимада эса шимиш даражаси 130 сек атрофида, ундан суюқликнинг оқиб тушиши ва ранг йўқотиши паст эканлиги кузатилди.

6. 100% пахта толали, янги таркибли махсус кийимбоп 70% пахта, 30% рогоз аралашмали тўқима ва 60% пахта, 40% рогоз, аралашмали тўқималарнинг кўрсаткислари бўйича регрессон моделлари тузилган ва регрессион модели натижаларини тасвирлаш учун юза отклики графиги MathCad дастури ёрдамида қурилган. Барча кириш параметрлар бўйича  $F_r < F_t$  бўлди, бунда гипотеза чиқиш параметрига олинган модел аҳамиятли, рад этилмайди.

7. Таҳлиллар натижаси шуни исбот қилдики,  $T_{\text{танда}}=18,5 \times 2$  тексли ва  $T_{\text{арқоқ}}=27$  тексли иплардан DONG JA пневматик тўқув дастгоҳларида мустаҳкамлиги юқори бўлган махсус кийимбоп тўқимани ишлаб чиқаришга эришилди. Тадқиқот ишининг иқтисодий самарадорлиги 1000 пог.метр тўқимага нисбатан ипларнинг сарфига қараб 16 272 702 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**НАЗАРОВА ДИЛРАБО ТОЛИБЖАНОВНА**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАБОТКИ ТКАНИ ДЛЯ  
СПЕЦОДЕЖДЫ С НОВОЙ ВОЛОКНИСТОЙ СТРУКТУРОЙ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная  
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/T1342.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Ташкентского института текстильной и легкой промышленности ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) и Информационно-образовательном портале “Ziyonet” ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Хамраева Сановар Атоевна**  
доктор технических наук

**Официальные оппоненты:** **Набиева Ирода Абдусаматовна**  
доктор технических наук, профессор

**Валиев Гулам Набиджанович**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится “30” декабря 2021 года в 11<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №123). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан “17” декабря 2021 года.  
(реестр Протокола рассылки №39 от “17” декабря 2021 года).



**И. К. Сабиров**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук

**А. З. Маматов**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
технических наук, профессор

**Н. Р. Ханхаджаева**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, доктор  
технических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире одним из ведущих мест занимает применение ресурсосберегающей технологии и технические средств в производстве качественной специальных одежных тканей<sup>1</sup>. По данным Всемирной торговой организации, мировой рынок текстильной промышленной защитной одежды составил \$8,7 млрд в 2019 году. К 2027 году прогнозируется рост до \$12 млрд. Ежегодный прогнозируемый рост рынка составляет 3%. Самый быстрорастущий сектор-одежда для защиты воздействий: пандемия COVID-19 увеличила спрос на данную одежду. Самый финансовоемкий сектор – одежда повышенной видимости состоит €452 млрд, 24,5%. Основной отраслью потребления защитной одежды в Западной Европе является строительство (более 30% от всего рынка). Лидером потребления в Западной Европе с большим отрывом является Германия-26%. Масштаб воздействия требует использования различных натуральных волокон в производстве спецодежды, в том числе их производства, и внедрения их в практику. Если учесть качество специальных одежных тканей, улучшение их физико-механических свойств, а также уделение большого внимания повышению их прочности при производстве специальных одежных тканей в развитых странах мира при сформировании этих свойств большое значение имеет процесс производства рабочей одежды, в том числе предусматривает использование в производстве этих одежд различных натуральных волокон и внедрение их в практике. В связи с этим для улучшения потребительских свойств текстиля важно в определенной степени повысить конкурентоспособность текстильных изделий на мировом рынке.

В процессе развития мировой текстильной промышленности проводятся определенной степени конкурентоспособности текстильных продукции исследования по совершенствованию современных автоматизированных высокопроизводительных методов и технологий производства высококачественной специальной одежды, для создания новых типов и ассортимента продукции на основе спроса и предложения в потребительский рынок. По этому большое внимание уделяется улучшению свойств специальных одежных тканей, созданию нити и тканей с новой структурой волокна применяемых в процессе производства тканей с целью повышения их прочности, снижению обрыва нитей в процессе ткачества, повышению потребительских свойств текстильных продукции, разработке технологии выработки специальных одежных тканей с новой структурой имеющих высокую прочность.

В Республике достигнуты определенные результаты при применении широких мер направленные на организацию производства качественных специальных одежных текстильных продукции имеющих новую структуру. В стратегии движения по углубленному развитию Республики Узбекистан на

---

<sup>1</sup><https://getsiz.ru/zapadnoevropejskij-rynok-promyshlennoj-specodezhdy-2021-2027-factory-rosta-trendy-mneniya-ehkspertov.html>

2017-2021 годы отмечается задачи необходимые по «углубленному развитию производства годовой продукции имеющую дополнительную прибыль на основе глубокой переработки натуральных сырьевых ресурсов, в первую очередь в отраслях переработки с высокой технологией»<sup>2</sup>.

По осуществлению данной задачи важное значение имеет производство специальных одежных тканей в частности повышение прочности нити и тканей путём смешивания нового натурального волокна с волокном хлопка, выработка специальной одежной ткани с новой смешанной структурой на основе новых натуральных смесей сырья, выбор оптимального процентного соотношения структуры смеси и разработка ресурсосберегающей технологии производства качественных тканей смешанной структуры.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, предусмотренных Указом Президента от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Указом Президента от 14 декабря 2017 года № УП 5285 «О комплексных мерах направленных на ускоренное развитие текстильной и швейно-трикотажной промышленности», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 12 февраля 2019 года № ПП-4186 «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности», Постановлением Правительства Республики Узбекистан от 16 сентября 2019 года № ПП-4453 «О мерах по дальнейшему развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции» а также другими нормативными актами, касающимися данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Настоящее диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению: II. «Энергетика, энерго и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Одним из важных задач стоящей перед текстильной промышленностью Республики является выработка качественных продукций со смешанной структурой, в частности тканей устойчивых к истиранию. Анализ литературных источников показывает что большинство работ направлены на изучении строения свойств, технологии производства тканей. Многими учёными таким как А.А.Мартыновой, С.Д.Николаевым, Э.А.Ониковым, Э.Ш.Олимбоевым, С.А.Хамраевой, А.Д.Даминовым, П.С.Сиддиқовым, Ғ.Валиевым, О.А.Ахунбабаевым, С.С.Рахимходжаевым, Б.Баймуратовым и другими учёными проведены научные исследования по созданию тканей со смешанной структурой волокон и по улучшению качества тканей.

Таковыми учеными как Е.Б.Кобляковым, В.Е.Романовым, З.С.Чубаровой, П.П.Кокеткиным, Е.Я.Сурженко, Р.Ф.Афанасьевой, Б.Р.Рыскуловой,

---

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

